

Ҳорут ва Морут фаришталарми ёки шайтонларданми?

20:19 / 27.04.2016 9751

САВОЛ: Ҳорут ва Морут фаришталарми ёки шайтонларданми?

ЖАВОБ: Қуръони Каримда шундай марҳамат этилади: «Ва Бобилда Ҳорут ва Морут номли икки фариштага тушган нарсага эргашдилар».

Ҳорут ва Морутлар кимлиги тўғрисида тафсирчилар турли фикрларни айтганлар. Лекин бу фикрларнинг ҳаммаси ҳам ишончли манбага асосланмаганлигини уламоларимиз алоҳида таъкидлаганлар. Шунинг учун оятдаги ибораларнинг таркибидан, бу икки исм эгалари фаришта бўлган, деб айтганларнинг фикри қувватлироқ чиққан. Аллоҳ таоло инсонларни хоҳлаган усулда, хоҳлаган воситалар ила синаб кўради, бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ.

Маълумки, Аллоҳ таоло Сулаймон алай-ҳиссаломга ҳам пайғамбарлик, ҳам подшоликни берган эди. Шу билан бирга, у кишига бутун ҳайвонларнинг тилини ўргатиб, жинларни хизматларида ҳозир нозир қилиб қўйган эди. Бу илоҳий мўъжизалар у кишининг пайғамбар эканликларини тасдиқлаш учун берилган эди. Мазкур мўъжизалар ҳақидаги оятлар бошқа жойларда келган, ўрни билан алоҳида ўрганилади. Ҳозир мавзуга алоқадор томони шулки, Аллоҳ Сулаймон алай-ҳиссаломга берган мазкур мўъжизаларни кўриб, одамлардан баъзилари иймонга келди, иймонлиларнинг иймонлари мустаҳкамланди. Аммо кофирлар, душманлар ва шайтонлар: «Сулаймон сеҳргар, у ўз сеҳрининг кучи билан турли ҳайвонлар ила муносабатда бўлмоқда, жинларни ишлатмоқ-да», деган гапларни тарқатишди. Бундай миш-мишни тарқатишда яҳудийлар қавми, айниқса, жонбозлик кўрсатган эди. Шунда Аллоҳ таоло Пай-ғамбарларга берган мўъжизалар билан сеҳрнинг фарқини амалий суратда кўрсатиш учун Бобилга Ҳорут ва Морутни юборди. Улар хоҳлаганларга сеҳр ўргатиш билан вазифаланган эдилар. Аммо сеҳр ўргангани келганларга аввал:

«Биз фитна – синов учунмиз, кофир бўлмагин», демасдан олдин ҳеч кимга ўргатмасдилар».

Яъни, «Биз фитна учун, одамларни синаш учун юборилганмиз, сеҳрни ўрганган кофир бўлади, сен ҳам уни ўрганиб кофир бўлма», деган маънода огоҳлантиришар эди. Келган одам бу гаплардан кейин қайтиб кетса кетди, кетмаса, кофир бўлишини билиб туриб ҳам, ўрганавераман, деса, ўргатишар эди. Мана шунинг ўзидан Пайғамбарлик мўъжизаси билан сеҳр

Ўртасидаги энг катта фарқ намоён бўлади. Пайғамбарлик мўъжизаси илоҳий неъмат бўлиб, фақат Аллоҳ томонидан берилади. Сеҳр эса, ўргатувчидан ўрганса бўладиган, ёмонликка ишлатиладиган бир нарсадир. Шундай қилиб, мўъжиза нимаю сеҳр нима-кишиларга амалда кўрсатилган экан. Валлоҳу аълам.